

СУЛТОН ҚОРИ ЖУМАНИЁЗОВ

Султон қори Жуманиёзов 1878 йил кўхна Хоразмнинг Янги Урганч шаҳрида дехқон оиласида оиласида дунёга келган. Султонбек болалигидан меҳнатда кўзи пишди. Дастрраб тикувчига шогирд тушди, сўнг соатсоз устадан мазкур хунар сирларини ўрганди. Айни пайтда эски мактабга қатнаб савод чиқаради. Унинг ўткир зеҳни, қўймақулоқлиги ва ширали овозини кўрган масжид имоми Султонга Урганч шаҳридаги “Хожи Тошқул” қориҳонасида ўқишини давом эттиришини тавсия қиласи. Султон орадан кўп ўтмай Қуръони Каримни тажвид асосида мукаммал ёд олди ва Султон қори бўлиб элнинг назар-эътиборига тушди. Бироқ, у тирикчилигини ўзининг ҳалол меҳнати соатсозлик ҳунари билан давом эттирди.



Бу вақтда ярим мустамлакага айланиб қолган Хива хонлигига бир томондан Чор империясининг иқтисодий сикуви, иккинчи томондан маҳаллий соликларнинг муттасил ортиб бориши оқибатида оддий ҳалқ азият чекарди. Шундай мураккаб тарихий шароитда “Ёш хиваликлар” ҳаракати вужудга келди. Султон қори Жуманиёзов 1916 йил март ойида хонликдаги миллий зулмга қарши қўзғалонда ўзининг ҳалқ томонида эканлигини яширмади. Қўзғалон чор қўшини ёрдамида ваҳшийларча бостирилгач, Султон қори Жуманиёзов ҳам мавжуд тузум душманлари рўйхатидан ўрин олди.

“Ёш хиваликлар” партиясининг асл мақсади Хива хонлигидаги эскирган бошқарув тузуми ўрнига бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш, солиқ тизимини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришда гарб маданияти ютуқларини қўллаш ҳамда мамлакатда илм-фан ривожига кенг йўл очиш кабилардан иборат эди. Бироқ, мавжуд тузумдан манфаатдор бўлган

маҳаллий мутаассиблар ҳамда хонликни бутунлай тугатиш ниятида ички зиддиятларни кундан-кун авж олдираётган ташқи кучлар ҳам “Ёш хиваликлар”нингислоҳотчилик фаолиятига бирдай қарши эдилар.

Хон ва унинг маъмурлари зулми ҳамда туркман қўчманчиларининг талончилик юришларига қарши кураш соясида кириб келган большевик “қизил қўшин”и Хива хонлигини бутунлай босиб олди. Хива хонлиги тугатилиб, унинг ўрнида Хоразм Халқ Жумхурияти бунёд этилди. “Ёш хиваликлар”дан иборат янги хукуматда на ҳарбий, на иқтисодий салоҳият бор эди. Амалда большевикларга қарам бўлган хукумати “Ёш хиваликлар” партиясини тугатиб унинг аъзоларини компартияга киришга мажбурлай бошлади. Большевикларнинг ғайриинсоний ақидаларидан мутлоқ бехабар бўлган Султон қори Жуманиёзов ҳам 1920 йил бўхронлари вақтида компартияга аъзо бўлди.

Султон қори Жуманиёзов 1920 йил ёзидан 1921 йил сентябрь ойигача Урганчда туман ижроқўмининг раиси, 1921 йил кузидан эса Хоразм Халқ Республикасининг Москвадаги доимий вакили сифатида иш олиб боради. Султон қори Жуманиёзов мазкур лавозимда вақтида Хоразм Халқ Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиб кенг кўламли ишларни олиб борди. Кўплаб Хоразм ёшларини Москва ва Петербург шаҳарларида жойлашган олий ва ўрта маҳсус касб ҳунар билим юртларига ўқишига жалб этди. 1922 йил сўнгида Хоразмга қайтган Султон қори Жуманиёзов ХХР Маориф халқ комиссари лавозимига тайинланади. У саккиз ой давом этган нозирлиги даврида ҳам кенг кўламли ишларни амалга оширади. Жумладан, кўплаб мактаблар, қатор билим юртлариочилди, дарсликлар чоп этилди.

Султон қори Жуманиёзов 1923 йил ХХР Халқ комиссарлар советининг раиси, 1923-24 йилларда ХХР Адлия халқ комиссари, 1924-25 йилларда эса Хоразм Халқ Республикаси МИК раиси лавозимларида иш олиб борди.

Султон қори Жуманиёзов элнинг меҳрини қозонган инсон эди. 1924 йил 17 март театр майдонида ўtkазилган йигилда Низомиддин Хўжаев халқа

мурожаат қилиб, Султонқоринибу киши қандай одам дейди. Эл бир овоздан яхши одам деб гувоҳлик беради. Шундан сўнг НизомиддинХўжаев, Султон қори Жуманиёзов ва Сапаевлар иштирокидаги комиссия 1924 йил 22 март куни ЧК турмасига бориб 214 кишини озод қиласидилар.

Султон қори Жуманиёзовсоветларнинг миллий чегараланиш сиёсатига қарши чиқиб, Хоразм Халқ Республикасининг мустақиллиги ва худудий яхлидлигини сақлаб қолиш мақсадида матонат билан кураш олиб борди. Давлат Ризаев билан советларнинг ХХР билан тузилган шартномаларида берган ваъдаларини эслатиш учун бир неча марта Москвага қатнади. Бироқ, бирор натижага эриша олмади.

Султон қори Жуманиёзов ўзининг содда ва ҳалол меҳнатга таянган турмуш тарзидан асло воз кечмади. Хоразм давлатининг биринчи раҳбари бўлишига қарамай, ўзининг эски касби соатсозликни ташламади. Ҳатто, ХХР МИК раиси лавозимида бўлган вактларида ҳам рамазон ойларида мусулмон аҳлининг олдида туриб намозда имомлик қилишда давом этди. Бу кабибир қанча сабаблар туфайли Султон қори номзоди янгидан шакллантирилаётган Ўзбекистон ҳукумати таркибиға киритилмади.

Султон қори Жуманиёзов 1925-27 йилларда Янги Урганч уезд ер бўлими мудири, 1927-29 йилларда округ адлия бўлими мудири, 1929-30 йиллар Хоразм округ меҳнат бўлими раисилавозимларида иш олиб борди. 1930-34 йилларда эса Хоразм округ ижроқўмида маданий оқартув бўлимида ишлаб, ҳудудларда аҳолининг маданий ва майший турмуш шароитини яхшилаш мақсадида режали тадбирларни амалга оширишга киришади. 1934 йил амалга оширилган навбатдаги “тозалаш” (чистка)да Султон қори Жуманиёзов бир қанча айловлар билан партиядан ҳайдалади. Унинг меҳнат стажи бекор қилиниб амалдаги барча ҳуқуқларидан маҳрум этилади. Султон қори Жуманиёзов зудлик билан Акмал Икромов номига ариза ёзиб, уни бу адолатсизликдан огоҳ этади. Натижада Тошкентнинг аралашуви билан ҳолат юзасидан қайта текшириш ўтказилиб, унга қўйилган барча айловлар бекор этилади. Ҳатто, унинг мамлакат ва ҳалқ олдидаги хизматлари инобатга

олиниб, шахсий нафақа белгиланади. Султон қори Жуманиёзов 1934-37 йиллар давомида Хива музейида директор сифатида иш олиб борди.

Султон қори Жуманиёзов Хоразм элининг катта обрўга эга табаррук оқсоқолларидан бири эди. 1936 йил май ойида “Ёш хиваликлар”нинг собиқ раҳбари, Хоразм вилояти асори-атиқалар бўлимириаси бўлган Полвонниёз ҳожи Юсупов вафот этади. Унинг ўрнига тайинланган Жуманиёз ҳожи Бобониёзов ҳам 1936 йилнинг сентябрида қамоққа олинади. Шундан сўнг ўлкада тарихий бинолар масжид, мадраса, муқаддас қадамжоларга муносабат кескин ёмонлашиб, ҳатто музейларда ўғрилик ҳолатлари кузатила бошлайди. Султон қори Жуманиёзов 1936 йил 8 октябрь санаси билан яна Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари Акмал Икромовга мурожаат этади ва аризанинг сўнгида нафақадаги дўсти Жуманиёз Бобониёзовнинг ноҳақ қамоққа олинганини маълум қиласди. Бироқ, шу ариза ортидан Султон қори Жуманиёзовга нисбатан таъкиб бошланиб, унинг уйи кечаю кундуз маҳсус одамлар томонидан кузатила бошлайди. Уйдан чиқа олмай қолган Султон қори Жуманиёзов 1936 йил 3 ноябрь санаси билан вилоят масъулларига қуийидаги варақани йўллаб улгуради: “Бадалбоевга! Мени қидиряптилар. Мени ҳам бир ёлғон билан қамоққа тиқишишмоқчилар. Бу билан болаларимга қийин бўладиган бўлди. Менга амалий ёрдам беринглар, Жуманиёзов қори бобо”. Фақат шу хатдан сўнггина уни яна бир муддат тинч қўядилар...

1937 йил июн ойида Султон қори Жуманиёзов таътил олиб, даволаниш мақсадида Тошкентга йўл олади. Бироқ....

1937 йил 4 август куни Урганч шаҳрида компартия фаоллари Султон қори Жуманиёзовнинг 1920-37 йиллардаги фаолиятини салбий баҳолаб, уни партия сафиданчиқаришади. 5 август куни йиғилишда эса уни Ф.Хўжаев, А.Икромов ва бошқа “халқ душман”лари билан алоқада бўлган, қори, намозхон деб камситадилар.

1937 йил 16 август куни Хоразм округ ИИХК бошқармаси бошлиғи Калмиковнинг Султон қори Жуманиёзовни аксилинқилобчи деб, ЎзССР ЖКнинг 66-моддаси 2-қисми билан айлаган қарори чиқади. 1937 йил 25

август куни берилган ордер асосида у яшаган Хива шаҳри 1-бурчак, 12-маҳалла, 225 уйда тинтуб ўтказилади. Тинтубда Султон қорига тегишли барча хужжат ва китоблар, хўжалик ашёларигачаҳатланиб олиб кетилади. Унинг турмуш ўртоғи Мунаввархон Қорихўжаева (35 ёш), қизи Зумрад (13 ёш), ўғиллари Содик (9 ёш), Анвар (6 ёш), Икром (4 ёш) ва Фарход (1 ёш)ларга ҳеч қандай тушунтириш берилмади.

1937 йил 1 сентябрь куни ўтказилган илк сўроқда Султон қори ўзининг ўтмишини ҳикоя қиласи ва “Озод Туркистон” номли аксилинқилобий ташкилотнинг аъзоси бўлганини қатъиян рад этади. 1937 йил 13 ноябрь куни ўтказилган сўнгги сўроқда ҳам Султон қори Жуманиёзов Хоразмда ҳеч қандай аксилинқилобий ташкилот бўлмаганини ва айтилаётган гапларнинг ҳаммаси терговчиларнинг хаёли махсули эканлигини таъкидлайди.

ИИХК Хоразм округ бошқармаси бошлиғи Васильев томон тасдиқланган айблов баённомасида собиқ имом Султон қори Жуманиёзовни 1936 йилда фашистларни мақтаганликда айбор деб топади. 1937 йил 28 ноябрь куни ИИХК Хоразм округ бошқармаси қошида ташкил этилган “учлик” суди Султон қори Жуманиёзов ишини кўриб чиқади ва айбини исбот этадиган ҳеч бир далил кўрсатилмаган ҳолда уни олий жазога ҳукм этади. Ҳукм ижроси 1937 йил 26 декабрь куни Хоразмда ташкил этилган махфий қатлгоҳлардан бирида амалга оширилади.

1959 йил 19 январь куни Анвар Султоновнинг Хоразм вилоят милиция идорасига ёзган аризага жавобан Султон қори Жуманиёзовнинг 1937 йил 10 йилга қамоқقا ҳукм этилгани ва 1942 йил жазони ижро этиш даврида вафот этгани тўғрисида ёлғон хабар етказилади.

1959 йил 20 февраль куни Султон қори Жуманиёзовнинг турмуш ўртоғи Мунаввархон Жуманиёзова ЎзССР Олий суди раиси Ё. Насриддинова номига ариза ёzáди. Унда эрининг 1937 йил курортга бораман деб уйидан чиқиб кетгани ҳолида қайтиб келмаганини ва шундан сўнг ўзининг одамларнинг нонини ёпиб, кирини ювиб норасида болаларининг жонини сақлаб қолганини ёzáди. 1960 йил 19 апрель куни Хоразм вилояти прокуратураси протести

асосида Султон қори Жуманиёзов иши юзасидан қайта сўроқлар бошлаб юборилади. 1960 йил 15 июлда қайта сўроққа чақирилган Абдулла Болтаев (1896): “...1923 йил Хоразмда адлия халқ комиссари вақтидан таниганман. Сўнгги йилларда Хива музейида ишлаганини биламан. Султон қори Жуманиёзов ажойиб инсон эди. 1937 йил мени гувоҳ сифатида ИИХК тергов бошқармасига чақиришган ва мен уларнинг қийноқлари исканжасида бир нечта қоғозларга имзо чекканман”, дейди.

Қайта сўроқлар давомида Султон қори Жуманиёзов ҳеч қандай далил исботсиз бўхтонлар асосида қатл этилгани маълум бўлади ва 1960 йил 11 июл куни у Хоразм вилоят суди томонидан оқланади.

Манба: Б.Ирзаев,Ю.Рахмонов.Хоразм вилояти Хотира китоби(46-51бет).